

**ОСКАР УАЙЛЬД “HAPPY PRINCE” (“БАХТЛИ ШАҲЗОДА”) ЭРТАГИНИНГ
ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

Очилов Нодирбек Сайфуллоевич

Инглиз адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Бухоро давлат университети

ochilovn@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада инглиз ёзувчиси Оскар Уайльднинг “Happy Prince” (“Бахтли Шаҳзода”) эртаги ва унинг ўзбекча таржималари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: эстетик оқим, бевосита таржима, муқобил таржима, эркин таржима, муаллиф услуби, эпитет, қиёсий таҳлил, таржимон трансформациялари, умумлаштириш.

Annotation

The article deals with the comparative analysis of the fairytale “Happy Prince” by English writer Oskar Wilde and its Uzbek translations.

Keywords: aesthetic movement, direct translation, adequate translation, free translation, author’s style, epithet, comparative analysis, translation transformations, generalization.

Аннотация

В статье даётся сравнительный анализ сказки «Счастливый принц» английского писателя Оскара Уайльда и узбекских переводов этого произведения.

Ключевые слова: эстетическое течение, непосредственный перевод, адекватный перевод, вольный перевод, стиль писателя, эпитет, сравнительный анализ, переводческие трансформации, генерализация.

КИРИШ

Маълумки, инглиз адабиётининг кўзга кўринган адибларидан бири, адабиётда гўзаллик ва нафосатни тарғиб этган шоир, прозаик, драматург Оскар Уайльд болалар учун ҳам кўплаб ажойиб эртаклар ёзган. Унинг эртакларида нафақат болаларни, балки катта ёшдаги китобхонларни ҳам қизиқтирувчи маънавий муаммоларга мурожаат қилинган. Ўзининг эртакларида Уайльд эзгулик, дўстлик, садоқат, мардлик, ўзгалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш, камтарлик, раҳмдиллик каби олижаноб инсоний хислатларни улуғлайди; мақтанчоқлик, манманлик, лоқайдлик, хиёнат, сафсатабозлик, худбинлик каби иллатларни моҳирона танқид қилади. Оскар Уайльднинг “Дориан Грейнинг сурати” романи дастлаб ўзбек тилига бавосита, яъни рус тилидан ўтирилган бўлса, эртаклари XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек тилига бевосита инглиз тилидан таржима қилина бошлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

Адибнинг “Бахтли шаҳзода”, “Худбин дев”, “Булбул ва атиргул”, “Яшил мушак”, “Юлдуз бола”, “Инфантининг туғилган куни”, “Содиқ дўст” ҳикоялари 1988 йили ўзбек тилида Маҳкам Маҳмудов ва Абдуҳаким Муҳаммадиевлар таржималарида “Юлдуз бола” номли сайланмада чоп этирилди. Ушбу эртақларнинг барчаси бевосита инглиз тилидан амалга оширилган эди.

Адибнинг “Happy Prince” (“Бахтли Шаҳзода”) эртаги Шермуҳаммад Тўлиев томонидан бевосита инглиз тилидан яна бир марта ўгирилиб, “Ёшлик” журнаlining 2017 йил, 7-сонида “Ҳайкал андуҳи” номи билан чоп этирилди.

МУҲОКАМА.

Ушбу асарларнинг бевосита инглиз тилидан ўгирилиши ўзбек таржимачилиги учун янги сифат сари интилишлардан бўлиб, таржима тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Аслида ўзбек таржимачилигида инглиз тилидан бевосита таржима қилиш тамойиллари 1930-йилларда Санжар Сиддиқ томонидан бошлаб берилган бўлиб, кейинчалик унинг халқ душмани сифатида қатағон қилиниши бу соҳа тараққиётига катта зарар етказди. Ўзбекистонда инглиз ва америка адабиётидан бевосита таржима қилишга қайта ўтиш фақатгина 1980-90- йилларда содир бўлди.

Ўзбек маданияти тарихи борасида тадқиқот олиб борган АҚШ олими Эдуард Алворс ўзининг “Ҳозирги ўзбеклар” деб номланган асарида Ўзбекистонда таржима ишлари ҳақида сўз юритар экан, 1979 йилга келиб, 50 фоиз ўзбеклар рус тилида эркин сўзлаша олганлигини, лекин шунга қарамай, 80- йилларда ўзбек тилига таржима авж олганлигини, бу эса кўпчилик ўзбеклар ҳар турдаги адабиётларни ўз она тилларида ўқишни афзал кўрганликларидан дарак беришини ёзади. (2, 273-274). Оскар Уайльд ижодидан амалга оширилган таржималар ҳам бундан мустасно эмас. Ёзувчининг асарлари рус тилига аллақачон таржима қилиниб, уларни ўзбеклар ҳам катта қизиқиш билан ўқишаётган бўлса-да уларнинг ўзбекча таржималари чиққандан кейин бу асарларни ўқувчилар янада кўпайди, улар китобхонлар орасида тез тарқалиб, ўзига хос “best-seller”га айланди.

НАТИЖАЛАР

“Бахтли шаҳзода” эртагининг икки таржимон томонидан ва бевосита инглиз тилидан ўгирилиши уларни ҳам аслият билан, ҳам ўзаро чоғиштириб таҳлил қилиш, уларда муаллиф услубининг қай даражада акс этирилганини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади.

Оскар Уайльдининг “Happy Prince” эртаги қуйидагича бошланади:

High above the city, on a tall column, stood the statue of the Happy Prince. He was gilded all over with thin leaves of fine gold, for eyes he had two bright sapphires, and a large red ruby glowed on his sword-hilt.

He was very much admired indeed...(1, 53)

Маҳкам Маҳмудов ва Абдуҳаким Муҳаммадиевлар ушбу парчани қуйидагича таржима қилишган:

Шаҳар узра бўй чўзган баланд устунда Бахтлин Шаҳзоданинг ҳайкали турарди. У бошдан-оёқ олтин япроқчалар билан қопланган: кўзларининг ўрнидаги бир жуфт нурафшон забаржад ва қиличининг дастасидаги йирик лаъл ял-ял товланарди.

Шаҳзодага бутун шаҳар мафтун эди...(7, 3)

Шермухаммад Тўлиев таржимасида:

Шаҳар марказида Бахтиёр Шаҳзода ҳайкали турарди. Ҳайкалнинг бутун танаси қимматбаҳо тошлардан ишланган. Ноёб дурдан ясалган кўзи худди тирик одамникидек чақнар, ял-ял ёнаётган қиличи эса соф олтиндан эди. У одамларнинг ишонч ва умид тимсолига айланган эди. Яшайдан умидини буткул узган, тушкунликка тушган ҳар қандай одам унга нигоҳи тушгани ҳамон кўнгли бир қадар таскин топиб, ҳаётга ишончи ортарди.(8,54)

Юқоридаги икки кичик матн ўғирмасида таржимонлар турли таржима тамойилларига таянганликлари сезилиб турибди. Биринчи таржима матни аслиятга яқин. Унда аслиятдаги “thin” ва “fine” сифатларининг тушириб қолдирилгани ҳисобга олинмаса, муқобил (адекват) таржима талабларига амал қилинган. Аслида “У бошдан-оёқ олтин япроқчалар билан қопланган” гапи ўзбек тилига “У бошдан-оёқ тоза олтиндан ишланган нафис япроқчалар билан қопланган” тарзида таржима қилинса адекватлик янада ошган бўлар эди.

Оскар Уайльд эстетизм оқимининг намояндаси бўлгани сабабли, шу оқимга хос бўлган “санъат санъат учун” деган ақидага амал қилиб, ишларида гўзалликни тасвирлашга алоҳида эътибор берган. Бу хусусиятни унинг ҳикояларида ҳам кузатиш мумкин. Эстетизм оқимига мансуб ёзувчилар ижодида сифатлашларнинг алоҳида ўрин тутиши табиий, чунки сифатлаш тасвир ва муаллиф муносабатини ифодалашда муҳим аҳамият касб этади.

Эҳтимол, бошқа бир контекстда, реалист ёзувчи ижодидан амалга оширилган таржимада юқорида айтиб ўтилган сифатлашларнинг ўгирилмай қолиши муҳим эмасдир, аммо эстетист ёзувчи Оскар Уайльд асари таржимасида эпитетларнинг тушириб қолдирилиши ёзувчи услубини қайта тиклашда салбий ўрин тутиши мумкин.

Иккинчи таржимада эса таржимон трансформациялари муаллиф услубидан йироқлашишга, қўшимча фикрларнинг қўшилишига сабаб бўлган.

Айтиб ўтиш керак, ҳар қандай бадиий таржимада лексик ва услубий трансформацияларнинг учраши табиий, аммо бу трансформациялар муаллиф фикрини, тасвирлаш услубини ўзгартирмаслиги керак. Ушбу таржимада “He was gilded all over with thin leaves of fine gold” гапи умумлаштириш воситасида “Ҳайкалнинг бутун танаси қимматбаҳо тошлардан ишланган” тарзида ўгирилганки, бу аслиятга на мазмун жиҳатидан, на услуб жиҳатидан, на мантиқ жиҳатидан мос келади. Эртақнинг кейинги қисмларига эътибор берилса, қалдирғоч шаҳзоданинг танасини қоплаган олтин япроқчаларни камбағалларга элтиб беради. Мантиқан олганда, ҳайкалнинг бутун танаси қимматбаҳо тошлардан ишланган бўлса, қалдирғоч олтин япроқчаларни қаердан олади. Бунинг устига, эртақнинг охирида шаҳзода ўзининг забаржад кўзларини, танасини қоплаган олтин япроқчаларни, қиличини бегаб турган лаълни камбағал ва ночорларга юборганидан кейин ўзи кўримсиз ҳайкалга айланиб қолади. Агар унинг бутун танаси қимматбаҳо тошлардан ишланган бўлса бу ҳол содир бўлмасди.

Шермухаммад Тўлиев юқоридаги кичик матн таржимаси охирида “У одамларнинг ишонч ва умид тимсолига айланган эди. Яшайдан умидини буткул узган, тушкунликка тушган ҳар қандай одам унга нигоҳи тушгани ҳамон кўнгли бир қадар таскин топиб,

хаётга ишончи ортарди.” гаплари қўшилганки, бу ҳам Оскар Уайльд томонидан очик билдирилган фикр эмас, балки таржимоннинг ўзи қўшган тасвир. Натижада шу кичик матн таржимасидан ҳам Шермухаммад Тўлиев эртакни эркин таржима қилганлиги таъкидлаш мумкин.

Қуйидаги таржималарни чоғиштирганда ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўламиз:

Аслиятда: *“Far away,” continued the statue in a low musical voice, “far away in a little street there is a poor house. One of the windows is open, and through it I can see a woman seated at a table. Her face is thin and worn, and she has coarse, red hands, all pricked by the needle, for she is a seamstress. She is embroidering passion-flowers on a satin gown for the loveliest of the Queen’s maids-of-honour to wear at the next Court-ball. In a bed in the corner of the room her little boy is lying ill. He has a fever, and is asking for oranges. His mother has nothing to give him but river water, so he is crying. Swallow, Swallow, little Swallow, will you not bring her the ruby out of my sword-hilt? My feet are fastened to this pedestal and I cannot move.” (1,60)*

Маҳкам Маҳмудов ва Абдуҳаким Муҳаммадиевлар таржимасида:

Узоқда, хув анави томонда, жинкўчада деразасининг бир табақаси очик турган кулбани кўряпман,— деб сўзида давом этди ҳайкал шивирлаб.
— Очик деразадан стол олдида ўтирган бир аёл кўринмоқда. Юзи сўлгин, қўлларни дагал ва игна санчилаверганидан қонталаш бўлиб кетган. Чунки у чевар-да. Қироличанинг энг соҳибжамол дугонасининг навбатдаги сарой базмига атаб тиктираётган ипак кўйлагига гул чатмоқда. Хона бурчагидагн тўшакда боласи бетоб ётибди. У иситмада ёниб, - апельсин беринглар, — деб алаҳсираяпти. Аммо онасининг дарё сувидан бошқа берадиган нарсаси йўқ. Шунинг учун ҳам бола йиғлаяпти. Қалдирғоч, Қалдирғоч, жажжигина Қалдирғоч! Қиличимнинг дастасидаги лаълни олиб, ўша аёлга элтиб берсангчи? Оёқларим супага маҳкам қотирилган, жойимдан қимирлолмайман. (7, 6)

Шермухаммад Тўлиев таржимасида:

– Жин кўчада гоят камбагал бир хонадон бор, – давом этди у: – Ланг очик деразадан мунг чекиб ўтирган бир аёлни кўряпман. Юзи ҳорғин ва маъюс. Тикувчи-да шўрлик, қаварган қўлларига игна киравериби, илма-тешик бўлиб кетган. Ҳозир у қиролик саройи хонимларига тунги базм учун кўйлак тикяпти. Хонанинг бир бурчида эса ўспирин ўгли тўшакка михланиб ётибди. Иситмалаётган болакай онасидан апельсин шарбати сўраб инграяпти. Онаизорда эса дарё сувидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бечора болакай эса тинмай йиғлайди. Қалдирғоч, қалдирғочгинам, қиличимдаги тошларни юлиб унга ҳадя қилмайсанми? Менинг оёқларим устунларга маҳкам боғланган. Юролмайман барибир, жойимдан жиллолмайман. (8,59)

Юқоридаги мисолда ҳам таржимон Шермухаммад Тўлиевнинг таржима жараёнида сўзлар маъносини умумлаштириб беришга мойиллиги сезилиб турибди.

Мисолда умумлаштиришлар:

the loveliest of the Queen's maids-of-honour - қироллик саройи хонимлари;

the ruby – тошлар;

sword-hilt – қилич

Шунингдек, “a little boy” сўз бирикмасининг “ўспирин бола” тарзида ўгирилиши ҳам адекват таржима тамойилларига мос келмайди.

Айтиб ўтиш керак, таржима амалиёти ва назариясига оид кўпгина китобларда таржима жараёнида содир бўлиши мумкин бўлган таржимон трансформациялари ҳақида кенг ва чуқур маълумот берилди. (3, 210-215; 4, 63-65; 5, 126) Аммо шу билан бирга, ушбу трансформациялар исталган жойда эмас, балки адекват таржиманинг иложи бўлмаганда амалга оширилиши мақсадга мувофиқлигини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Таржимон аслиятда берилган муҳим сўзларни умумлаштириб бераверса, аслият муаллифи услубини, у ўқувчигв етказмоқчи бўлган фикрни саёзлаштиришига олиб келиши мумкин. Юқоридаги мисолларга эътибор берсак, Маҳкам Маҳмудов ва Абдҳаким Муҳаммадиевлар кўрсатилган сўз бирикмаларини аслиятга мутаносиб равишда, деярли ўзгартирмай, аслиятга яқин тарзда ўгирганларининг гувоҳи бўламиз.

Оскар Уайльд эртақларининг услубий хусусиятларидан яна бири шуки, уларда муаллиф ўзининг фикрини китобхонга ўтказишни эмас, балки китобхоннинг ўзи воқеа-ҳодисаларга баҳо беришини истайди. Жумладан, шахзоданинг нима учун “бахтли” дейилишини ҳам китобхоннинг ўзи идрок эта олиши кўзда тутилади. Бу жиҳатдан, ҳатто эртақнинг номланиши таржимасида ҳам Ш.Тўлиевнинг таржимага эркин ёндашганлиги сезилади. “Happy Prince”(“Бахтли Шахзода”) нинг “Ҳайкал андуҳи” сифатида эркин ўгирилиши Оскар Уайльд услубига мос келмайди, яъни бу ўринда таржимон муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни эмас, балки эртақдан ўзи олган таассуротни илгари сурган.

ХУЛОСА. Оскар Уайльднинг “Happy Prince”(“Бахтли Шахзода”) эрта-гининг ўзбек тилига бевосита амалга оширилган таржималарини қиёсий ўрганиш натижасида бу таржималардан бирида муқобил таржима тамойилларига амал қилинганлиги, иккинчисида эса эркин таржима хусусиятлари сезилиши кузатилди. Ҳозирги замон таржима талабларини инобатга олганда, таржимада муқобиллик тамойилларига амал қилиш муҳим. Эркин таржима ҳам кўпгина халқлар таржима амалиётида мавжуд бўлиб, унга асосан таржима амалиётига илк қадам қўйилаётган даврда амал қилинган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Aldington Richard. Introduction to the book “Oscar Wilde. The Epitome of a Brilliant and Tortured Wit – New York: The Viking Press, 1976.
2. Alwarth Edward A. The Modern Uzbeks. From the Fourteenth Century to the Present. A Cultural History. –Stanford, California: Hoover Institution Press, 1990.
3. Бархударов Л.С. Язык и перевод. - Москва: ИМО, 1975.
4. М.Қ.Бақоева. Инглиз ва америка адабиётидан ўзбек тилига шеъррий таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. (XX аср таржимачилиги мисолида)-Тошкент: Фан, 2015.
5. Жўраев К. ва бошқалар. Таржимашунослик. –Тошкент: Академнашр, 2015.

-
6. Ochilov N.S. Oscar Wilde, as a Leader of Aesthetic Movement in English literature. Адабиётшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари: адабий жараён, қиёсий адабиётшунослик, услубшунослик ва тилшунослик масалалари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. –Бухоро, 2022.
 7. Уайльд, Оскар. Юлдуз бола. Эртақлар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1988. .
 8. Уайльд, Оскар. Ҳайкал изтироби. //«Ёшлик» журнали, 2017 йил, 7-сон.